

“Тасдиклайман”

“Яшнобод тумани



Мактабгача таълим булими мудири”

В.Ж.Акрамова

20 ____ й.

ЯШНОБОД ТУМАНИДАГИ ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭМАЛЬ КРАСКА ХАРИД КИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ

МУНДАРИЖА

- I. Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси учун йўриқнома.**
- II. Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг техник қисми.**
- III. Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг нарх қисми.**

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ҲАҚИДА АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

| | |
|---|---|
| Харид предмети | Оқ рангдаги эмаль краска ПФ-115- 500 кг Сарик рангдаги эмаль краска ПФ-115- 300 кг Кизил рангдаги эмаль краска ПФ-115- 400 кг Яшил рангдаги эмаль краска ПФ-115- 400 кг Жами: 2000кг эмаль краска ПФ-115 |
| Лотларга бўлиниши | 1 та лот |
| Хариднинг режа-жадвали | |
| Савдоларни ўтказиш даври (ой) | ИЮНЬ ойи |
| Молиялаштириш манбай | Республика таълим маркази маблағлари |
| Бошлангич нарх | 67 000 000,00 ҚҶС билан: |
| Энг яхши таклифни танлаш таклифининг таъминоти миқдори (закалат ёки банк кафолати) | 1% ҳар бир лот учун |
| Тўлов шартлари | 30% Аванс, қолган 70% топшириш – қабул қилиш далолатномалари ҳамда ҳисоб-фактуралар асосида тўланади. |
| Тўлов валютаси | Маҳаллий корхоналар учун - ўзбек сўми |
| Етказиб бериш/хизмат кўрсатиш жойи ва шартлари | Яшнобод тумани Мактабгача таълим булими. Оқдарё кучаси 122-уй |
| Етказиб бериш/хизмат кўрсатиш муддати (вакти) | 2022 йил |
| Энг яхши таклифни танлаш таклифининг амал қилиш муддати | Таклифлар берилган кундан бошлаб камида 45 кун |
| Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар | Энг яхши таклифни танлашда, унда қатнашиши учун қўйиладиган шартларни бажарган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган барча жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этиши мумкин. |
| Энг яхши таклифни танлаш таклифларини тақдим этиш муддати (камида ўн икки иши куни ва кўни билан ўттиз иши куни) | Камида 5 иш куни |
| Энг яхши таклифни танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг масъул котиби (ёки ишчи органи) | Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: Кушаков Т. Тел.: (+99899) 7617447 |

I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий қоидалар.
- 1.1 Энг яхши таклифни танлаш бўйича мазкур харид қилиш хужжатлари (кейинги ўринларда - Энг яхши таклифни танлаш хужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Конун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Энг яхши таклифни танлаш предмети: Ок рангдаги эмаль краска ПФ-115- 500 кг
Сарик рангдаги эмаль краска ПФ-115- 300 кг
Кизил рангдаги эмаль краска ПФ-115- 400 кг
Яшил рангдаги эмаль краска ПФ-115- 400 кг
Кук рангдаги эмаль краска ПФ-115- 400 кг
Жами: 2000кг эмаль краска ПФ-115
- 1.3 Энг яхши таклифни танлаш ўтказиш (лойихани амалга ошириш учун) учун асос: 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги конун
- 1.4 Энг яхши таклифни танлашнинг бошланғич нархи:
67 000 000,00 ҚҚС билан
Энг яхши таклифни танлаш таклифида кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.
- 1.5 Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигига юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телефонконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.
Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.
Ушбу Энг яхши таклифни танлаш хужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:
- аванс тўлови** - қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

таклифни таъминлаш - буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонунчиллик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши; **давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда - оператор)** - давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган маҳсус ваколатли юридик шахсадир;

шахсий кабинет - электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишини таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг маҳсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

хисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ҲҚКП деб юритилади) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни хисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;

давлат харидларининг электрон тизими (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) - электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

электрон давлат харидлари - ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

2 Электрон Энг 2.1 яхши таклифни танлаш ташкилотчилари

Энг яхши таклифни танлаш буюртмачиси: Республика таълим маркази (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”).

- 2.2 Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахс:
Яшнобод Мактабгача таълим бўлими бош ҳисобчиси Ташбаев Тальатжон Хайриддинович, тел: 99 761-74-47
Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Оқдарё кўчаси, 122 ўй, тел: (+99899) 761-74-47).
- 2.3 Шартнома эгаси: Яшнобод мактабгача таълим бўлими.
- 2.4 Энг яхши таклифни танлаш, камида етти нафар аъзодан иборат таркибда буюртмачи томонидан ташкил қилинган харид комиссияси (кейинги ўринларда – Энг яхши таклифни танлаш комиссияси) томонидан ўtkазилади.
- 3 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари**
- 3.1 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) электрон Энг яхши таклифни танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.
- 3.2 Иштирокчи:
давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;
буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;
давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;
қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.
- 3.3 Иштирокчи:
давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши; асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; ғолиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

- 3.4 Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.
- 3.5 Иштирокчи давлат хариди ижроиси (ғолиб) деб эътироф этилган тақдирда:
- Энг яхши таклифни танлаш савдолари якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари маҳсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;
- ўзларининг веб-сайтларида ва маҳсус ахборот порталида доимий асосда Энг яхши таклифни танлаш савдолари якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.

4 Электрон Энг яхши таклифни танлашга киритиш

- 4.1 Иштирокчилар ҲҚКПдаги шахсий ҳисоб ва рақаларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этишлари мумкин.
- 4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

4.3 Операторнинг электрон тизими автоматик режимда қуидагиларни амалга оширади:

киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон харидлардан фойдаланиш; электрон харидларни ўтказиш; электрон харидлар натижаси бўйича иштирокчиларни аниқлаш; битимни рўйхатга олиш ва шартномани шакллантириш.

4.4 Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:

шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эгалиги; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузиш хуқуқини белгилайди.

Иштирокчи сўровнома-аризада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик, Энг яхши таклифни танлаш эълон қилингунга қадар таъсис этилганига б ойдан кам бўлмаганлиги ҳолатлари текширилади.

Оператор:

буортмачилар ва иштирокчиларга ҲҚКПда алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очади;

| | | |
|---|--|---|
| | | буюртмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади. |
| 5 | Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби | <p>5.1 Таклифнинг таъминот усули, шу жумладан Энг яхши таклифни танлаш иштирокчисининг келишилган муддат даврида ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолат берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда миқдори электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ белгиланади.</p> <p><i>*Хужжат топширишининг охири муддатига қадар давлат буюртмачисининг маҳсус депозит ҳисоб варагига белгиланган миқдорларда закалат суммасини ўтказмаган ва/ёки банк кафолатини тақдим этмаган иштирокчилар Энг яхши таклифни танлаш савдосида иштирок этишидан четлаштирилади.</i></p> <p>5.2 Электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> - https://id.uzex.uz/ сайтида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш сахифасида керакли бўлимларни (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа маълумотлари) тўлдиради. “Якка тартибдаги тадбиркор” ва “Резидент” тизимда фақатгина электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади; - рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, ҲҚҚПда иштирокчи учун шахсий ҳисобварақ очилади. Иштирокчилар уларнинг ҲҚҚПдаги ҳисобрақмларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирдагина электрон давлат харидларида иштирок этадилар; - Энг яхши таклифни танлаш шартлари билан батафсил танишгандан сўнг иштирокчи электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” сахифасида, “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида зарур маълумотларни тўлдиради. Талаблар бўлимида маълумот киритиш жараёнида иштирокчидан бирор бир талаб бўйича тасдиқловчи хужжат сўралган бўлса, хужжатни файл кўринишида юклаш зарур. |

5.3 Электрон Энг яхши таклифни танлаш:

- бюджет буюртмачиси томонидан ўтказилганда иштирокчиларнинг закалати бюджет буюртмачисининг хисоб варагига ўтказилади ва ғолиб аниқлангунга қадар буюртмачининг депозитида сақланади.

Оператор томонидан ғолиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон Энг яхши таклифни танлаш ғолибининг закалати шартнома тузилгунига қадар хатланади;

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди ва буюрмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги Энг яхши таклифни танлаш ўтказади.

5.4 Буюртмачи таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни бир иш куни давомида қайтаради ёки қўйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;

шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охирги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши.

5.5 Оператор электрон Энг яхши таклифни танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закалатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Портал, электрон Энг яхши таклифни танлашнинг якунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йифимини иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади. Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисобрақмларига қайтарилади.

6 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш тартиби

Электрон Энг яхши таклифни танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг Энг яхши таклифни танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон хужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг Энг яхши таклифни танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг Энг яхши таклифни танлаш таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларни иштирокчининг Энг яхши таклифни танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид

комиссиясининг топшириғига асосан ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

- 6.1 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:
- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш; иштирокчининг малака талабларга (Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш; Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник қисмидаги ҳужжатлари хамда топширилган наъмуналар тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади;
- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш.
- Бунда электрон тизим Энг яхши таклифни танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни Энг яхши таклифни танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.
- 6.2 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари томонидан тузилган ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқноманинг 1-иловасида (№ 1, 2, 3, 4, 5 шакллар) келтирилган.
- 6.3 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш ва Энг яхши таклифни танлаш ғолибини аниқлаш Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезонлар ва услублар асосида амалга оширилади.
- 6.4 Иштирокчи қўйидаги ҳолларда Энг яхши таклифни танлашда иштирок этишдан четлаштирилади:
- у тўғрисида Инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
 - унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
 - иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;
 - иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир ҳатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўtkазиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
 - иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.
 - иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этмаган бўлса;
 - иштирокчи шартнома тузиш хукуқига эга бўлмаса;
 - иштирокчи барча зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;
 - иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда.
 - ҳужжатларни топширишнинг охирги санасига қадар давлат буюртмачисининг маҳсус депозит ҳисоб варагига белгиланган миқдорларда закалат суммасини ўтказмаган;
- 6.5 Агар Энг яхши таклифни танлаш таклифи Қонуннинг ва Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Энг яхши таклифни танлаш таклифи

| | | |
|-----|--|--|
| | | <p>Энг яхши таклифни танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси топшириғига асосан ташкил этилган ишчи гуруҳиниг хулосалари асосида, комиссия томонидан тасдиқланиши лозим бўлган қарор комиссиянинг маъсул котиби томонидан жойлаштирилади.</p> <p>Иштирокчининг Энг яхши таклифни танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.</p> |
| 6.6 | | <p>Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларидан уларнинг Энг яхши таклифни танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.</p> <p>Тушунтириш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.</p> |
| 6.7 | | <p>Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошиши мумкин эмас.</p> |
| 7 | Электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун таклиф бериш | <p>7.1</p> <p>Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва заруриятга қараб бошқа тилларда тайёрланади.</p> <p>7.2</p> <p>Электрон Энг яхши таклифни танлаш ўтказилганда иштирокчилар Энг яхши таклифни танлаш таклифларини электрон Таклиф кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон Энг яхши таклифни танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.</p> <p>Ҳар бир жойлаштирилган электрон хужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p> |

7.3 Энг яхши таклифни танлаш таклифи билан биргалиқда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин*.

*Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид объекти бўлган хизматларнинг намунаси тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси уларни иштирокчилар томонидан топширишнинг алоҳида тартибини белгилайди.

Иштирокчилар дарслик ва ўқув методик мажмуолар намунасини (электрон файл кўринишида) топширилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси тақдим қилган товар-иш-хизматлар Республика таълим маркази томонидан 2022 йилнинг 8 февралдаги №8 сонли буйруғига асосан қабул қилинган сана, вақти, микдори кўрсатилган ҳолда ҳамда қабул қилаётган ва топшираётган шахснинг имзоси билан намуналарни қабул қилиш-қайтаришни далолатномалари асосида амалга оширилади. Қабул қилинган намуналар эксперт гурухлари томонидан баҳоланади. Намуналар Буюртмачи томонидан 2022 йил “_____” Тошкент вақти билан соат 15:00 гача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 9 уй.

Тел.: (+99893) 577-46-44.

Энг яхши таклифни танлаш савдоларида ғолиб бўлмаган Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари ғолиблар рўйхати тасдиқлангандан сўнг 5 кун мобайнида таклиф қилинаётган Товар ва иш хизматларнинг ўз намуналарини вақтинча сақлашдан олиб кетишлари шарт. Ушбу муддат тугагандан сўнг Энг яхши таклифни танлаш Иштирокчилари томонидан талаб қилиб олинмаган намуналар йўқ қилиниши лозим.

Энг яхши таклифни танлаш ғолиблари товарларни етказиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ўз мажбуриятлари тўлиқ

бажарилгунга қадар аввал вақтінча сақлашга берилған товарлар намунасимиң қолдиради. Етказиб бериш шартнома шартлари бажарилгандан сүнг Энг яхши таклифни танлаш Ғолиби (Ижрочи) 5 кун мобайнида масъул сақланиш жойидан үзининг товар намуналарини олиб кетишга ҳақли.

* 5 кун мобайнида олиб кетилмаган товар намуналари ўрнатылған тартибда йўқ қилинади.

* Иштирокчиларнинг Энг яхши таклифни танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириши орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

7.4 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси:

- битта лотга факат битта Энг яхши таклифни танлаш таклифини беришга ҳақли

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилған Энг яхши таклифни танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга үзgartиришлар киритишга ҳақли.

7.6 Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим Энг яхши таклифни танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

7.8 Иштирокчининг техник таклифи қуидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:

| | | |
|---|--|--|
| | | <p>- техник таклиф ва мазкур йўриқномага илова қилинган 7-сон шаклга мувофиқ таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифларининг таққослама жадвали;</p> |
| 8 | Энг яхши таклифни танлаш таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш | <p>7.9 Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.</p> <p>8.1 Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларига Энг яхши таклифни танлаш таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарор билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.</p> |
| 9 | Подведение итогов электронного Энг яхши таклифни танлаша | <p>8.2 Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Энг яхши таклифни танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида ўн иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.</p> <p>9.1 Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равища:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори бал тўплаган иштирокчини (бал усулидан фойдаланганда). Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади; - Энг яхши таклифни танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок |

етишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг яхши шартларини таклиф қилган иштирокчини **(энг паст нарх усулидан фойдаланганда)** ғолиб сифатида аниқлайди.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2 Күйидаги ҳолларда Энг яхши таклифни танлаш ўтказилмаган деб топилади:

- агар Энг яхши таклифни танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;

- агар харид комиссияси техник баҳолаш босқичида барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ келса.

Бундай ҳолатда буюртмачи Энг яхши таклифни танлашни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақороран амалга ошириши шарт.

9.3 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини кўриб чиқиши натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.

Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

9.4 Электрон Энг яхши таклифни танлашнинг исталган иштирокчиси Энг яхши таклифни танлаш таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг Буюртмачига электрон Энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

| | | |
|-----------|-------------------------------------|---|
| | | Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт. |
| 10 | Бошқа шартлар | <p>10.1 Энг яхши таклифни танлаш ғолиби тузилаётган шартноманинг умумий суммасининг 1 фоизи миқдорида шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини (закалат ёки банк кафолати шаклида) тақдим этади.</p> <p>10.2 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси Энг яхши таклифни танлаш хужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очик электрон чат орқали Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли.</p> <p>Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида Буюртмачи, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.</p> <p>10.3 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган Энг яхши таклифни танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзgartиришлар киритишга ҳақли.</p> <p>10.4 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш хуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида электрон тизим орқали маҳсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласи.</p> |
| 11 | Энг яхши таклифни танлаш | <p>11.1 Электрон Энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича шартнома Энг яхши</p> |

**натижалари
бўйича шартнома
тузиш**

таклифни танлаш ҳужжатларида ва Энг яхши таклифни танлаш ғолиби таклифида кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ____ кунлик муддатдан кечиктирмасдан электрон ҳужжат шаклида тузилади.

Шартнома томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

- 11.2 Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди ва буюрмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳукуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги Энг яхши таклифни танлаш ўтказади.

Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш кетма-кетлиги:

Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш қуидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг Энг яхши таклифни танлаш хужжатларида кўрсатилиган талабларга мос равища расмийлаштирилганлигини текшириш (1-сон жадвал);
- иштирокчининг малака талабларга (Энг яхши таклифни танлаш хужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш (2-сон жадвал);
- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш (3-сон жадвал);
- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш (4-сон жадвал).

Бунда электрон тизим Энг яхши таклифни танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни Энг яхши таклифни танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлади

Электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан расмийлаштириладиган хужжатлар РЎЙХАТИ

I-сон жадвал

| т/р | Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан тузиладиган хужжатлар ва маълумотлар | Изоҳ | Иштирокчини четлаштириш учун асос |
|-----|---|--|-----------------------------------|
| 1 | Харид комиссияси раиси номига электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун ариза (<i>1-сон шакл</i>) | 1-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади | Харид комиссияси қарорига кўра |
| 2 | Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжат | Хужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, иштирокчи кейинги босқичга кўйилмайди | Харид комиссияси қарорига кўра |
| 3 | Қўйидагиларни тасдиқловчи кафолат хати: | | |
| 3.1 | <ul style="list-style-type: none"> - иштирокчи қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тутатиш босқичида эмаслигини; - Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик мухокамасида иши кўриб чиқилмаётганлигини; - иштирокчининг илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларининг мавжуд эмаслигини; | 2-сон шакл мувофиқ тарзда расмийлаштирилади | Харид комиссияси қарорига кўра |
| 3.2 | - ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг жорий этилмаганлиги. | | Қонуннинг 42-моддаси |
| 4 | Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумот | 3-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади | Харид комиссияси қарорига кўра |
| 5 | Иштирокчининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот | 4-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади | Харид комиссияси қарорига кўра |
| 6 | Соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот | Ваколатли органдан маълумотнома тақдим этилади, agar муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса, иштирокчи Энг яхши | Қонуннинг 42-моддаси |

| | | | |
|----|--|---|---|
| | | таклифни танлашда иштирок этишдан четлатилади | |
| 7 | Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза | 5-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади | Қонуннинг 67-моддаси |
| 8 | Оффшор худудларга алоқадорлигини инкор этувчи хужжат ёки кафолат хати | Агар иштирокчи ва/ёки унинг банки оффшор худудларда рўйхатдан ўтган бўлса бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди | Харид комиссияси қарорига кўра |
| 7 | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги | Агар иштирокчи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди | Қонуннинг 42-моддаси |
| 9 | Манфаатлар тўқнашуви | Манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари бўлган иштирокчилар кейинги босқичга қўйилмайди | Қонуннинг 46-моддаси |
| 10 | Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси, Энг яхши таклифни танлаш таклифлари қабул қилинишининг охирги муддатигача давлат буюртмачиси номига давлат буюртмачиси ва/ёки техник баҳолаш бўйича Ишчи гуруҳлар (мутахассислар) томонидан товарнинг техник параметрларини келгусида ўрганиш ва баҳолаш учун товар таклифлар беришнинг сўнги муддатига қадар тақдим қилинаётган намунанинг 3 (учтадан муляж) нусхасини тақдим қилиши лозим. | Қабул қилиш ва топшириш долалатномалари асосида расмийлаштирилади | Харид комиссияси қарорига кўра четлаштирилади |
| 11 | Товар номи кўрсатилган ҳолда давлат буюртмачисининг маҳсус ҳисоб рақамига 1% закалат суммаси ўтказиб берилганлиги тўғрисидаги тўловни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси. | Закалат суммаси ўтказилганлигини тасдиқладиган хизмат кўрсатувчи банк белгиси ёки банк кафолати, закалат пулни тўлаш учун тўлов топшириғи нусхаси ёки SWIFT хабари билан тасдиқланган банк кафолати асл нусхаси | Харид комиссияси қарорига кўра четлаштирилади |

ИШТИРОКЧИННИГ БЛАНКАСИДА

2022 йил - даги
_____ -сон

Харид комиссиясига

АРИЗА

—сонли _____ (*Энг яхши таклифни танлаш предмети номи*) етказиб бериш бўйича Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларини, сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, қўйида имзо чекувчи _____ (*Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси номи*), Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларига мувофиқ электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш ниятини билдирамиз.

Шу муносабат билан, қуйидаги ҳужжатларни юбормоқдамиз:

1. Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;
2. _____ варакда малака ҳужжатлари тўплами (вараклар сони кўрсатилсин, брошуоралар, буклетлар, ахборот ташувчи ёки электрон файл ва бошқалар тақдим этилганда, уларнинг миқдори кўрсатилсин);
3. Техник таклиф ҳужжатлари (Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида қайд этилган) ва намуналар тўғрисидаги қабул қилиш далолатномаси;
4. Нарх таклифи;
5. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, номи ва варакларнинг сонини кўрсатинг*).

Таклифни тайёрлаш учун масъул шахснинг тўлиқ Ф.И.Ш.:

Боғланиш учун телефон/факс: _____

Электрон почта манзили: _____

Рахбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

МЎ.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

2022 йил - _____ даги
_____ -сон

Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____
(иширикчи номи)

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- _____ (буюртмачи номи) билан суд ёки арбитраж мухокамаси холатида эмаслигини;
- _____ (буюртмачи номи) билан аввал тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Рахбарнинг Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳукуқшунос Ф.И.Ш. _____

МЎ.

**Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибаси ҳақида
маълумот**

| T/p | Товар(Хизмат) номи | Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари | Етказиб бериш санаси | Изоҳ |
|-----|--------------------|---|----------------------------|------|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Кўшимча маълумотлар: бажариладиган ишлар ҳажми, мижозлар фикри, шунга ўхшаш маҳсулот ва хизматлар бўйича тасдиқланган маълумотлар, портфолио ва бошқалар.

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва лавозими)

М.Ў.

Сана: 20__ й. “__” _____

түғрисида умумий маълумот

| № | Кўрсаткичлар | Маълумот |
|----|---|----------|
| 1 | Корхонанинг тўлиқ юридик номи ва мулкчилик шакли: | |
| 2 | Корхона ташкил топган вақт ва рўйхатдан ўтган рақами: | |
| 3 | Хизмат кўрсатувчи банк: | |
| 4 | Корхонанинг раҳбари: | |
| 5 | Корхонанинг раҳбарининг телефон рақами | |
| 6 | Эл. почта: Телеграм рақами: | |
| 7 | Низом жамғармаси: | |
| 8 | Таъсисчилар%: | |
| 9 | Код ОКОНХ, ОКЭД, СТИР: | |
| 10 | Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудуди манзили: | |
| 11 | Ишлаб чиқариш майдони (кадастрдаги паспортлари асосида): | |
| 12 | Умумий ер майдони: | |
| 13 | Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси мавжудлиги ёки ижара шартномаси асосидалиги түғрисида (кв.м) | |
| 14 | Ўрнатилган дастгоҳлар (номи, сони ва ишлаб чиқарилган йили рўйхат асосида) | |
| 15 | *Фаолият тури (асосий ва қўшимча): | |
| 17 | Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи (охирги 5 йиллик рўйхат асосида): | |
| 18 | Йиллик ишлаб чиқариш қуввати, ундан фойдаланиш даражаси % (Маҳсулот чиқариш ва уни реализация қилиш сум): | |
| 19 | Ишчилар сони (уларга тўланган жами иш хақи, барча ушланма ва ўтказмалар билан): | |
| 20 | Ўртacha иш ҳақи: | |
| 21 | Зарур булган асосий хом-ашёси (ўртacha йиллик ҳажми, номи билан): | |

Мухр

имзо

4-сон шакл

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНинг МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (*)

Энг яхши таклифни танлаш иштирокчисининг номи: _____
 (валютани кўрсатинг)

| АКТИВ | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | ПАССИВ | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|--|---------|---------|---------|---|---------|---------|---------|
| I. Узоқ муддатли активлар | | | | I. Ўз маблаглари манбалари | | | |
| Асосий воситалар (қолдик қиймати) | | | | Устав капитали | | | |
| Номоддий активлар (колдик қиймати) | | | | Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) | | | |
| | | | | Мақсадли тушумлар | | | |
| Қимматли қоғозлар | | | | II. Мажбурияятлар | | | |
| Капитал кўйилмалар | | | | Узоқ мддатли мажбуриятлар, қарзлар | | | |
| Инвестициялар | | | | Кредитор қарздорлик: | | | |
| II. Жорий активлар | | | | шу жумладан, муддати ўтгани | | | |
| Ишлаб чиқариш захиралари | | | | шу жумладан, бюджет бўйича қарздорлик | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | | шу жумладан, иш ҳаки бўйича қарздорлик | | | |
| Тайёр маҳсулот | | | | | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Пул маблаглари | | | | | | | |
| Бошқа жорий активлар | | | | | | | |
| Баланс активи бўйича жами (I.+ II. бўйимлар) | | | | Баланс пассиви бўйича жами (I.+ II. бўйимлар) | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(валютани кўрсатинг)

| Кўрсаткичлар номи | 2019й. | 2020й. | 2021й. |
|---|--------|--------|--------|
| 1. Сотишдан соф тушум | | | |
| 2. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | |
| 6. Бошқа даромадлар | | | |
| 7. Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) | | | |
| 8. Фойда солиги | | | |
| 9. Фойда (зарар) | | | |

Рахбар_____ Бош хисобчи_____

МЎ. _____ Сана: 20__й. “___” _____

(*) Молиявий ҳолати бошқа мезонлар билан белгиланадиган компаниялар унинг молиявий ҳолатини белгилайдиган бошқа шаклни тақдим этишлари мумкин.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

Харид комиссиясига

Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА

Ушбу хат билан _____:
(компания номи)

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Конуни талабларига риоя этиш;

- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиши мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдириласлик;

- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;

- фиригарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;

- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;

- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузуб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлади.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

МЎ.

ИШТИРОКЧИННИГ БЛАНКАСИДА

ИШОНЧНОМА

2022 иил - даги
_____ -сон

Харид комиссиясига

Ушбу Ишончнома _____ ни (товар номи) етказиб бериш бўйича Энг яхши таклифни танлашда иштирок этувчи _____ га (иштирокчи номи ва манзили) берилган. _____ (ишлаб чиқарувчи номи), _____ да жойлашган (ишлаб чиқарувчининг тўлиқ манзилини киритинг) завод(лар)ига эга бўлган расмий компьютер ишлаб чиқарувчиси сифатида _____ га (иштирокчи номи) Энг яхши таклифни танлаш таклифи беришига ишонч билдиради.

Ушбу Ишончнома билан биз томондан ишлаб чиқарилган _____ ни (товар номи) тақдим этиш ва етказиб бериш ваколати берилмоқда.

Агар _____ (иштирокчи номи) Энг яхши таклифни танлаш ғолиби деб топилса, ишлаб чиқарувчи қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ (халқаро стандартларга мувофиқ) товарлар ишлаб чиқариш;

- товарларни етказиб беришда сифат сертификатлари ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этиш;

- товарларни етказиб беришда қабул қилувчи учун техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглаш бўйича йўриқномалар, схемалар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этиш.

Ишлаб чиқарувчининг раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси ва Ф.И.Ш.

МЎ.

ИШТИРОКЧИ ТАШКИЛОТ БЛАНКИДА

(Энг яхши тақлифни танлаш рақами ва предметини кўрсатинг) Энг яхши тақлифни танлаш савдолари бўйича

ТЕХНИК ТАКЛИФ

2022 йил - даги
— -сон

Харид комиссиясига

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ ни (Энг яхши тақлифни танлаш предмети номи) етказиб бериш бўйича ____-сонли Энг яхши тақлифни танлаш савдолари хужжатларини ва сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, куйида имзо чекувчи _____ (Энг яхши тақлифни танлаш иштирокчиси номи), _____ (ишлаб чиқарувчини кўрсатинг) томонидан ишлаб чиқарилган _____ ни (тақлиф этилаётган маҳсулот номини, бренд ёки моделини кўрсатинг) _____ миқдорида етказиб беришни тақлиф қиласиз.

Биз ушбу техник тақлифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, Энг яхши тақлифни танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича товарларни етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз Энг яхши тақлифни танлаш тақлифларини бериш муддатининг охирги санаси сифатида белгиланган кундан бошлаб 90 кун давомида ушбу тақлиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу Энг яхши тақлифни танлаш тақлифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- ____ варакда тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;
- товар ишлаб чиқарувчиси ишончномаси (6-сон шакл) ёки ишлаб чиқарувчидан авторизация хати (*агар Энг яхши тақлифни танлаш иштирокчиси тақлиф қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси ҳисобланмаса*);
- техник ҳужжатлар (*брошиоралар, техник маълумотлар вараги, фойдаланиши ўйриқномалари ва бошқалар ёки тақлиф қилинадиган маҳсулотнинг тўлиқ ва батагесил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар*).

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Сана: 20__ й. «___» _____

Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали

| T/p | Товар (хизмат) номи | Техник топширик талабларидағи күрсаткич | Иштирокчининг таклифидағи күрсаткич | Изоҳ (талабларга жавоб беради / талабларга жавоб бермайды) |
|---|---------------------|---|-------------------------------------|--|
| <i>Энг яхши таклифни танлаш _____ (етказиб бериладиган товар ёки хизмат номи)</i> | | | | |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Иштирокчи раҳбарининг ёки ваколатли шахснинг имзоси ва Ф.И.Ш.

МҮ.

Дастлабки малакавий баҳолашни ўтказиш тартиби ва мезонлари
(ушибу жадвал иштирокчиларнинг малакасига талаблар қўйилган ҳолларда тўлдирилади)

| № | Мезонларнинг номи | Талабга жавоб беради /Талабга жавоб бермайди |
|----|--|--|
| I. | Малакавий танлаш ҳужжатларнинг асослилиги | |
| 1 | Харидларда иштирок этишга ариза-хат (1-сонли шакл), Харид иштирокчисининг умумий маълумоти (2-сонли шакл) мавжудлиги, Техник таклифли 1-сонли ички Таклиф, Нарх таклифли 2-сонли ички Таклиф мавжудлиги ва харид ҳужжатларига мос равишда тайёрланганлиги. | |
| 2 | Харид иштирокчисининг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида эмаслиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати (—-сонли шакл). Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятлари бор бўлса, иштирокчи харид жараёнларидан четлатилади. | |
| 3 | Ташкилот (компания) раҳбарининг харидларда иштирок этиш имкони бўлмаса, вакили номига тегишли ишончномани тақдим қилиниши шарт (—-сон шакл). Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади. | |
| 4 | Таъсисчилари битта юридик ва жисмоний шахс бўлган иштирокчилар. Агар бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади | |
| 5 | Иштирокчининг, шунингдек иштирокчи банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганлигини кафолотловочи хат. —-илова. Агарда бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади | |
| 6 | Иштирокчининг молиявий ҳолати юзасидан маълу-мотлар (—-сонли шакл). Бухгалтерия хисоботларини тақдим этилиши шарт. Иштирокчининг ваколатли орган томонидан тасдиқланган молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар. Агар тақдим этилмаган бўлса, иштирокчи харидлардан четлаштирилади. | |
| 7 | Харид иштирокчисининг соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик органидан олинган маълумотнома. Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлик аниқланса, Харид комиссияси иштирокчини Энг яхши тақлифни танлашдан четлаштиришга ҳақли. | |
| 8 | Харид тақлифининг қайтарилмаслигини таъминлайдиган бўнак тўловнинг мавжудлиги. Бўнак тўлови ҳужжат топшириш охирги муддатигача тўланиша шарт. Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади. | |
| 9 | Харид иштирокчиси томонидан товар намунасининг топширганлиги ҳужжат. Топширилган товар намунасининг ҳужжатлари топшириш охирги муддатигача расмийлаштирилиши шарт. Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади. | |